



ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 февраль куни давлат ташрифи билан Исломободга келди.



Покистон ҳаво ҳудудига олий мартабали меҳмоннинг самолётига ушбу мамлакат Ҳарбий ҳаво кучларининг қирувчи учоқлари ҳамроҳлик қилди.

“Нурхон” аэропортида давлатимиз раҳбарини Покистон Президенти Асиф Али Зардорий, Бош вазир Шаҳбоз Шариф ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Президенти Исломобод шахрига келгач, “Глобал саноат ва мудофаа ечимлари” компаниясининг бош қароргоҳига ташриф буюриб, Мудофаа кучлари Бош қўмондонни — Куролли Кучларнинг куруқликдаги қўшинлари қўмондонни, фельдмаршал Асим Мунир билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳалардаги ҳамкорлиқни кенгайтириш, шунингдек, бугунги кунда хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича сазй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакатнинг етакчи мудофаа саноати корхоналари ўртасидаги кооперация алоқаларини фаоллаштириш, ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш дастурларини кенгайтириш, тажриба алмашиш ва қўшма ўқув тадбирларини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Транспорт ва логистика соҳасида истиқболли инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш масалалари ҳам кун тартибига бўлди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича алоҳида “йўл харитаси”ни тайёрлаш юзасидан келишувга эришилди.

Ўзбекистон Президенти учрашув якунида “Глобал саноат ва мудофаа ечимлари” компаниясининг ишланмалари, жумладан, Покистоннинг замонавий ҳарбий техникаси ва курул-яроғ намуналари билан танишди.

Давлатимиз раҳбарини Исломобод шахрида ажратилган қароргоҳда Покистон Ислом Республикаси Бош вазирини ўринбосари, ташқи ишлар вазирини Исҳоқ Дор кутиб олди.

Шу ерда бўлиб ўтган учрашувда Исҳоқ Дор давлатимиз раҳбарига ўтказилиши режалаштирилган икки томонлама тадбирлар кун тартиби ҳақида маълумот берди.

Ўзбекистон Президенти Бош вазир ўринбосарини ушбу давлат ташрифини ташкил этишга қўшган улкан ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Ташриф доирасида бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокаралар ва Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик муносабатларини янги амалий мазмун билан бойитишга ишонч билдирилди.

Шундан сўнг Покистон Бош вазирининг қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди. Давлат маҳфияти янгради.

Шавкат Мирзиёев ва Шаҳбоз Шариф расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Исломобод шахрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазирини Шаҳбоз Шариф тор доирада музокара ҳамда олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилишини ўтказдилар.

Давлатимиз раҳбари учрашув аввалида Бош вазирини яқинлашиб келаётган муқаддас Рамазон ойи ва Покистон куни байрами билан табрикларди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг амалий жиҳатлари атрофича муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда ўзаро алоқалар фаол тус олгани мамнуният билан қайд этилди. Сиёсий мулоқот мустаҳкамланиб, парламентлараро ва идоралараро алмашинувлар жадал ривожланмоқда.

Ўтган йил якунларига қўра ўзаро савдо ҳажми салкам 500 миллион долларга етди. Ўзбекистонда Покистон капитали иштирокидаги 230 та яқин корхона фаолият юритмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги авиақатновлар кўпайди. Банклараро корреспондентлик муносабатлари мустаҳкамланмоқда.

Тўқимачилик, фармацевтика, кимё, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Томонлар ушбу ташриф арафасида ўтказилган сиёсий маслаҳатлашувлар ва Ҳукуматлараро комиссия йиғилишининг натижаларини олқишладилар.



Ташриф доирасида Ўзбекистон саноат маҳсулотларининг кўرғазмаси ўтказилмоқда.

Икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари Мувофиқлаштирувчи қўмитасининг биринчи йиғилишини яқин кунларда Тошкентда ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Ишбилармон доиралар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон — Покистон Ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди.

Яқин келажақда ўзаро товар айирбошлашнинг 2 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди. Амалдаги Имтиёзли савдо битими доирасидаги маҳсулотлар турини, шунингдек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун фитосанитария рухсатномалари рўйхатини янада кенгайтириш ҳамда Ўзбекистоннинг Лаҳор ва Карачидаги савдо уйларида фаол фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Ташрифга тайёргарлик доирасида қишлоқ хўжалиги, электротехника, геология, фармацевтика, энгил саноат, озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа соҳаларда қарийб 3,5 миллиард долларлик лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Транспорт ва логистика алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Трансафгон темир йўли лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш ва “Покистон — Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” транспорт йўлагини ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Икки мамлакат ҳудудларининг ўзаро алоқалари иқтисодий ҳамкорлик ривожининг

асосий драйверларидан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон — Покистон ҳудудлараро форумини ташкил этишга келишиб, унинг биринчи учрашувини шу йил Хоразм вилоятида ўтказиш таклифи билдирилди.

Зиёрат туризми соҳасида тизимли ҳамкорлиқни йўлга қўйиш масалалари алоҳида муҳокама қилинди. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда Покистонда Ўзбекистон маданияти ҳафталиклари ва Ўзбекистон кино сунларини ўтказишга келишиб олинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Бобурийлар меросини тарғиб қилиш учун Лаҳорда қўшма маданият марказини ташкил этишни таклиф қилди.

Музокаралар давомида халқаро ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилиб, кўп томонлама тузилмалар доирасида яқин ҳамкорлиқни давом эттиришга қатъий интилиш билдирилди.

Яқунда Шавкат Мирзиёев Шаҳбоз Шарифни жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилишидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазирини Шаҳбоз Шариф қўшма декларацияни имзоладилар.

Бундан ташқари, етакчилар ҳузурида қуйидаги икки томонлама хужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди:

— Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2026-2028 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

— Ўзбекистон — Покистон Ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисида битим;

— Ўзбекистон — Покистон ҳудудлараро форумини ташкил этиш тўғрисида шартнома;

— Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимга янги товарлар рўйхатини киритиш ҳақида баённома;

— Порт хизматлари ва чегирмалар тақдим этиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Кончилик ва геология соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва ривожланиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Фармацевтика маҳсулотларини назорат қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Тўқимачилик ва тикувчилик саноатида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Рақамли ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Буюк Бобурийлар сулоласининг илмий-маърифий, маданий ва меъморий меросини асраш, ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш тўғрисида битим;

— Спорт соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

➤ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА САРКАРДА, ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ҲОМИЙСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 690 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк давлат арбоби ва саркарда, Иккинчи Уйғониш даври — Темурийлар Ренессанси бунёдкори Амир Темури миллий давлатчилигимиз ва жаҳон тарихида бекиёс ўрин тутди.

Мустабид тузум томонидан ноҳақ қоралаб келинган бу улуг зотнинг муборак номи ва хотираси мустақиллик йилларида тарихий адолат асосида қайта тикланди. Соҳибқирон Амир Темури шиймоси миллий давлатчилигимиз тимсолига айланиб, ўзликни англаш, анъана ва қадриятларимизни тиклаш борасида халқимизга улкан маънавий куч бағишлаб келмоқда.

Тошкент, Самарқанд, Шахрисабз шаҳарларида Амир Темури ҳайкаллари ўрнатилгани, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Халқаро Амир Темури жамоат фонднинг фаолияти йўлга қўйилгани, “Амир Темури” ордени таъсис қилингани, юртимиздаги кўплаб кўча ва хёбонларга улуг аждодимиз номи берилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Мамлакатимиз миллий ривожланишнинг янги босқичи — Учинчи Ренессансга қадам қўяётган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Соҳибқирон Амир Темурининг шахсияти, буюк аждодимизнинг башарият тарихи ва Турон тамаддунидаги ўрни ҳамда темурийларнинг бой ва бетакрор меросини чуқур ўрганиш, юртимиз ва чет элларда кенг оммалаштириш мақсадида қарор қилман:

I. Мақсад

1. Мазкур қарорнинг асосий мақсади буюк аждодимиз асос солган Иккинчи Уйғониш даврининг миллий ва умуминсоний моҳияти, **ёш авлодни Янги Ўзбекистон бунёдкорлари этиб тарбиялаш борасидаги улкан ўрни** ва таъсирини инобатга олиб, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ташкилий-амалий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни янги сифат босқичига кўтариш ҳисобланади.

II. Ташкилий ва амалий чора-тадбирлар

2. Фанлар академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Халқаро Амир Темури жамоат фонднинг қуйидаги тақдирлари маъқуллансин:

а) **жорий йилда** Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш;

б) ҳар йили апрель ойини “Амир Темури ойлиги” деб эълон қилиш ва унинг доирасида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда темуришунос олимлар, ёзувчилар ва санъаткорлар иштирокида учрашувлар, бадиий-маърифий тадбирлар уюштириш.

➤ Давоми 2-бетда

Алишер ТЎХТАЕВ:

“ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН БУЮК ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ЗАМИНИ, ЯХШИ ДЎСТ ВА ҲАМКОР МАМЛАКАТЛАРДИР”

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга давлат ташрифи арафасида Ўзбекистоннинг Исломободдаги элчиси Алишер Тўхтаев “Дунё” ахборот агентлигига интервью бериб, икки ва кўп томонлама форматлар доирасидаги Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигининг бугунги ҳолати, муносабатларнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари ҳақида фикр билдирди.

— Сўхбатимизни Ўзбекистон — Покистон муносабатлари тарихи ва ривожланиш босқичлари ҳақидаги фикрларингиз билан бошласак.

— Ўзбекистон ва Покистонни азалдан тарихий, анъанавий дўстлик ришталари, дин муштараклиги, урф-одатлар ва маданий қадриятлар ўхшашлиги каби умумий жиҳатлар боғлаб туради. Бу умумийлик сўнгги йилларда яққол намоён бўлди ва икки давлат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар ҳамкорлиқнинг драйверига айланди.

➤ Давоми 2-бетда



Инсон қадрини улуғлаш, халқ билан очик мулоқот, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокига кенг имконият яратиш — замонавий демократик жамиятнинг муҳим белгиси. Шу маънода, Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўлайдиган ҳар бир Мурожаатномаси халқ ишончини мустаҳкамлашга қаратилган дастурий ҳужжат сифатида намоён бўлмоқда.

ҲАР БИР ТАШАББУС ФАРОВОН ҲАЁТ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда сўнгги йиллардаги кенг қўламли ислохотлар бугун самарасини бериб, улкан марраларга эришилаётгани алоҳида эътиборга молик. Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномасида 2025 йил якунлари таҳлил қилиниб, келгусидаги режалар, мақсад-вазифалар белгилаб берилар экан, мамлакатимиз эришган ютуқлар кенг эътироф этилди.

➤ Давоми 4-бетда

2026 йил 6 февраль, 25-сон

ЎЗБЕКИСТОН – ПОКИСТОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

- Экология ва табиий офатлар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома;
- Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва янги психоактив моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги келишув;
- Ўзбекистондан Покистонга истеъмол қилиш учун янги узилган олма, анжир, лимон ва ачиқ қаламбир экспорти учун фитосанитария талаблари тўғрисида баённома;
- икки мамлакат мудофаа вазирликлари ўртасида “йўл харитаси”.

Шунингдек, Ўзбекистон — Покистон экспертлар кенгашини ташкил этиш, Ўзбекистон Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан Покистон Саноат ва ишлаб чиқариш вазирлиги ҳузуридаги Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бошқармаси, Термиз шаҳри ҳокимлиги ва Пешовар шаҳри маъмурияти, Самарқанд шаҳри ҳокимлиги ва Исломобод шаҳри маъмурияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар интитути ва Исломобод стратегик тадқиқотлар интитути, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Пешовар университетини ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йилгилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Покистон Миллий фан ва технологиялар университетининг фахрий доктори ва профессори унвонларини бериш маросими бўлиб ўтди.

Бош вазир Шаҳбоз Шариф давлатимиз раҳбарига бу ҳақдаги тегишли сертификатни топширди.

Ушбу унвонлар Ўзбекистон етакчисининг ижтимоий-иқтисодий ва таълим соҳаларидаги ислохотлар, мамлакатини изчил модернизация қилиш, фан ва технологияларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик ҳамда академик алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун берилди.

Маросимда Шавкат Мирзиёев Покистон Бош вазирини, университет раҳбарияти ва академик ҳамжамиятига юксак унвонлар учун миннатдорлик

билдириб, таълим соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассисларни биргаликда тайёрлаш муҳимлигини таъкидлади.

1991 йилда ташкил этилган Миллий фан ва технологиялар университети илмий изланишлар ва инновациялар фаолият, магистр ва докторларни тайёрлаш ҳамда сановат ва иқтисодиёт эҳтиёжларига мўлжалланган амалий тадқиқотларни олиб бориш каби йўналишларини ўзига мужассам этган.

Ўзбекистон Президентининг Покистонга давлат таширфи доирасидаги тадбирларининг навбатдагисини Исломободдаги кўчалардан бирига Тошкент ва янгидан барпо этиладиган боққа Заҳириддин Муҳаммад Бобур номини бериш маросими бўлди.

Бош вазир Шаҳбоз Шариф ушбу қарор икки мамлакат ўртасидаги яқин тарихий ва маданий алоқаларни акс эттириши ҳамда Ўзбекистон — Покистон кўп қиррали шериклик муносабатларининг стратегик даражасини яна бир бор тасдиқлашини таъкидлади.

Тошкент кўчаси ва буюқ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталадиган янги бог халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашга бўлган ўзаро иттилиш қатъий эканининг яққол рамзига айланиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазирини Шаҳбоз Шариф Исломобод шаҳрида бўлиб ўтган Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йилгилиши ақунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Мамлакатимиз етакчиси сўзининг аввалида Покистонга давлат таширфи билан келиш тақлифи ва ўтказилган самарали музокаралар учун ушбу мамлакат ҳукумати раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Жадал ривожланаётган Покистон Ўзбекистоннинг ишончли стратегик шериги эканлиги алоҳида таъкидланди. Покистон Бош вазирини раҳбарлигида халқ фаровонлигини ошириш, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ва мамлакатнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар Ўзбекистонни хурсанд қилаётгани айтилди.

Шунингдек, ушбу таширф Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилганининг беш йиллигига ўтказилаётгани мамуният билан қайд этилди.

Сўнгги беш йилда ўзаро савдо 2,5 бараварга, қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони эса қариб 3 бараварга ошди. Яқин келажада савдо айланмасини 2 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилди. 3,5 миллиард долларлик истиқболли савдо ва инвестиция битимларининг портфели шакллантирилди.

Музокаралар якунида Қўшма декларация ва ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича 30 га яқин муҳим ҳужжат имзоланди.

Минтақавий ҳамкорлиқни изчил ривожлантириш орқали Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини биргаликда мустаҳкамлашга иттилиш қатъий экани билдирилди. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга тайёрлик қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Покистоннинг мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини фаол қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди. Покистоннинг 2025-2026 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг муваққат аъзоси сифатида тинчлик ва халқаро барқарорлиқни таъминлаш борасидаги сайй-ҳаракатларига юқори баҳо берилди.

Фармацевтика, тўқимачилик, электротехника, тоғ-кон ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича келишувга эришилди. Транспорт ва логистика алоқаларини ривожлантириш ҳамда бизнес учун қулай шартлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Худудлараро ҳамкорлиқни чуқурлаштириш мақсадида бу йил Ўзбекистонда биринчи Худудлараро форумини ўтказишга қарор қилинди.

Бундан ташқари, биргаликда маданият ҳафталиклари ва кинофестивалларини ташкил этиш ҳамда буюқ мутафаккирларнинг илмий-маърифий меросини ўрганиш ва оммалаштириш режалаштирилмоқда.

Исломобод кўчаларидан бирига Тошкент номи берилгани учун яна бир бор миннатдорлик билдирди.

Президентимиз, ўз навбатида, Покистон пойтахтида буюқ давлат арбоби ва шoir Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги богни буёнд этиш тўғрисида қарор қабул қилинганини эълон қилди. Бу Покистон халқига мамлакат мустақиллиги байрами нишонланши арафасида муносиб тўхфа бўлади.

Мамлакатимиз етакчиси Покистон Миллий фан ва технологиялар университетининг фахрий доктори ва профессори илмий унвонлари берилгани учун Покистон томонига алоҳида миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев нутқининг якунида барчани бўлажак Покистон куни байрами ва ақинлашиб келатган муқорак Рамазон ойи билан табриклди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга давлат таширфи давом этмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

Буюқ давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи темирўйлар даври тарихини тизимли ўрганиш ва илмий натижаларни кенг тарғиб этиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган “йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:
- а) **жорий йил 9-10 апрель** кунлари Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказида “Амир Темур ва темирўйлар тамадду-нининг жаҳон тарихи ва маданиятидаги ўрни ва аҳамияти” **мавзу-сида халқаро илмий конференция ўтказиш**;
- б) Амир Темур ва темирўйлар даври тарихи билан боғлиқ тур-кум китоблар, илмий ва илмий-оммабоп **асарларни тайёрлаш ва чоп этиш**, шу жумладан:
- (i) “Темур тузуқлари” асарининг илмий изоҳли матнини **форс, араб, хитой, инглиз, француз, испан ва рус** тилларида чоп этиш;
- (ii) **“Темирўйлар даврининг 100 нодир қўлемаси”, “Те-мирўйлар даврининг 100 нодир дурдонаси”** китоб-альбомларини яратиш;
- в) темирўйлар даврига оид, хорижий давлатларда сақланаётган **асл ёзма манбалар** нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш;
- г) “Тарих тарих” лойиҳаси асосида суратга олинган, Амир Темур салтанатининг Европа давлатлари билан дипломатик ва элчилик алоқалари ёритиб берилган тарихий-бадний ва ҳужжатли фильмлари **Испания, Франция, Буюқ Британия** каби хорижий мамлакатларда намойиш этиш;
- д) Темирўйлар даври манбалари **электрон платформасини** яратиш.

4. Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 мартдан бошлаб** Амир Темур ва темирўйларнинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган ҳиссасини кенг тарғиб қилиш мақсадида “Буюқ те-мурийлар” атамасининг халқаро илмий истилоҳ сифатида жорий қилинишини таъминлаш учун хорижий давлатларда **“Буюқ те-мурийлар тарихи ва маданий мероси”** мавзусида тақдимотлар, медиа тадбир ва анжуманлар ўтказсин.
5. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигига ба-ғишланган тадбирларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш бў-йича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.
6. Ташкилий қўмита (А.Арипов):
- а) Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигига ба-ғишланган тадбирларни (кейинги ўринларда — тадбирлар) ўтказ-иш бўйича масъул давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб борсин, ташкилий масалаларни тезкорлик билан ҳал этсин;

- б) тадбирлар бўлиб ўтадиган худудларни ободонлаштириш иш-ларини, техник ва телекоммуникация ускуналари билан жиҳозла-нишини таъминласин;
- в) Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги-га бағишланган почта маркалари ва конвертлар, тақвимлар ва кўргазмали ахборот воситалари туркумини яратиш, эсдалик, кумуш ва олтин юбилей тангаларини муомалага чиқаришни таъминласин;
- г) тадбирларда қатнашувчи чет эллик меҳмонларнинг Ўзбекис-тонга келиб-қетиши, уларга виза расмийлаштирилиши, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш масалаларини мувофиқлаштирсин;
- д) тадбирлар бўлиб ўтадиган худудларда объектлар ва меҳмон-хона фонднинг тайёрлигини таъминласин.
7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги **2026 йил якунига қадар** Тош-кент шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисо-бидан дунёдаги машҳур музейларнинг энг илгор тажрибаларини қўлдан ҳолда, Темирўйлар тарихи давлат музейи биносини ре-конструкция қилиш, жиҳозлаш, рақамлаштириш ва янги экспози-циясини яратиш ишларини амалга оширсин.

- III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**
8. Ташқи ишлар вазирлиги Фанлар академиясининг бююртма-сига асосан тадбирларда иштирок этувчи чет эллик иштирокчилар учун Ўзбекистон Республикасига кириш визаларининг консуллик ва бошқа йилгиларни ундирилмасдан, зарур ҳолларда, И.Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.
9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги, Ўзбекис-тон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий медиа бирлаш-масига тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.
10. Ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молия-лаштириш тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларга ажратилган бюджет маблағлари, уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа ман-балар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.
11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазирини А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2026 йил 5 февраль

Алишер Тўхтаев: “ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН БУЮҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ЗАМИНИ, ЯХШИ ДЎСТ ВА ҲАМКОР МАМЛАКАТЛАРДИР”

Бошланиши 1-бетда

Покистонда ўзбек маданияти ва турмуш тарзининг қатор элементларини учратиш мумкин. Покистон худуди буюқ аждодимиз, саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан асос солинган Бобурийлар давлати таркибида бўлган. Бобурийлар ме-росини Покистоннинг қўллаб ҳудудларида, хусусан, Лаҳор шаҳрида қўриш мумкин. Улар томонидан буёнд этилган боғлар, қалъалар, масжид ва мадрасалар, сув иншоотлари Покистон маданиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Покистон халқи ушбу мерос билан фахрланади ва Бобурийларни юксак қадрлайди. Шу маънода, тарихий боғлиқлик ва муштараклик замонавий Ўзбекистон ва Покистон муносабатларини ривожлантиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.



Олий даражадаги таширфлар чоғида дўс-тона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳам-корлиқни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Ҳукуматлараро қатор ҳужжатлар имзоланди.

Шу ўринда 2022 йил 15-16 сентябрь кун-лари ШХТ саммитида иштирок этиш учун Покистон Бош вазирини Шаҳбоз Шариф Самар-қанда таширф буюрганини таъкидлаш жоиз. Ушбу таширф доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан музокаралар ўтказилди.

2025 йил Ўзбекистон — Покистон му-носабатлари учун алоҳида аҳамиятли бўл-ди. Покистон Бош вазирини Шаҳбоз Шариф 25-26 февраль кунлари Ўзбекистонга расмий таширф билан келди. Бу таширф икки давлат ўртасидаги шериклиқни янги босқичга кўтар-ди. Томонлар имзолаган Кўп қиррали ҳамкор-лиқни чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма баёнот яқин истиқболдаги устувор йўналиш-ларни белгилан берди.

— **Ўзбекистон — Покистон муносаба-тларида парламентлараро мулоқот ва ташки сиёсат идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бутунги ҳолатини қандай баҳолайсиз?**

— Ўзбекистон ва Покистон ўртасида пар-ламентлараро, вазирликлар, идоралар ва тар-моқлар даражасидаги мулоқотлар фаоллаш-ган ва алмашинувлар самарали тус олганини алоҳида мамуният билан қайд этиш керак.

Хусусан, Покистон парламенти Қуйи пала-таси ва Сенати раҳбарларининг бир неча бор Ўзбекистонга таширфлари ташкил этилди.

2025 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Ну-риддин Исмоилов, декабрь ойида эса Олий

Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбо-ари Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида таширф буюрди. Икки давлат пар-ламентлари ўртасида тузилган дўстлик гуруҳ-лари фаолияти ҳам жадаллашмоқда.

Ўзбекистон ва Покистон ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги икки томонлама сиё-сий маслаҳатлашувлар ҳамкорлиқнинг муҳим механизми ҳисобланади. Хусусан, сиёсий му-лоқотни қўллаб-қувватлаш мақсадида икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари 2025 йил февраль ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувлар-нинг саккизинчи раунди, шунингдек, йирик халқаро тадбирлар доирасидаги мулоқот ме-ханизмларидан самарали фойдаланмоқда.

— **Ўзаро ҳамкорлиқнинг муҳим йўна-лишларидан бири савдо-иқтисодий ва ин-вестициявий шериклидир. Ўзбекистон ва Покистон ушбу жаҳада ўз салоҳиятидан тўлиқ фойдаланяптими?**

— Покистон Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё давлатлари орасидаги муҳим савдо ше-рикларидан бирига айланиб бормоқда. Икки томонлама товар айирбошлаш кўрсаткичлари 2017 йилдан буён барқарор ўсишни намoён этмоқда.

Покистон Ўзбекистондан асосан дукка-ликлар, ил-қалава, бошоқчилик, пиёз, ерғoқ ва транспорт хизматларини импорт қилади. Ўзбекистон эса дори-дармон, цитрус мевалар, картошка, тўқимачилик маҳсулотлари, совун ва бошқа маҳсулотларни сотиб олади.

Кейинги пайтларда Покистонлик инвес-торларнинг Ўзбекистонга ишончи тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон-да Покистон капитални иштирокчидаги 176 та қўшма корхона фаолият юрятяпти. Покис-тоннинг “Novugen Pharma”, “Nurin Pharma”, “Hero Brands”, “Diamond Group” каби йирик компаниялари билан ҳамкорликда, хусусан, Сирдарё, Тошкент, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Тармоқлар кесимида корхоналарнинг асо-сий қисми саноат, хизматлар ва қишлоқ хў-жалиги соҳасига тўғри келмоқда. Жумладан, саноат ишлаб чиқариш қувватлари тўқимачи-лик, кимё, озиқ-овқат, чарм саноати ва бошқа-лардан иборат.

2024 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳам-корлик бўйича Ўзбекистон — Покистон ҳуку-матлараро комиссиясининг 9-йилгилиши бўлиб ўтди. Комиссиянинг навбатдаги йилгилишини Исломобод шаҳрида ўтказиш режалаштирил-ган.

Тизимли сайй-ҳаракатлар натижасида сўнгги саккиз йилда икки томонлама сав-до ҳажмлари динамик ўсиш суратларини

кўрсатмоқда, унинг умумий ҳажми деярли 12 баравар ошиб, 2025 йил 1 декабрь ҳолатида 434,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Олий даражадаги келишувларга мувофиқ, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг энг яқин келажада 2 миллиард долларга етказиш бў-йича қатъий чоралар белгилаб олинган.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасида ўзаро савдода энг қулай режим ўрнатилган ҳамда ИМТНЭЛИ савдо тўғрисидаги битим имзолан-ган. Битим билан қатор товар позициялари учун тариф имтиёзлари жорий этилди. То-монлар ушбу битим доирасида товарлар но-менклатурасини кенгайтириш бўйича доимий мулоқотда.

Саноат кооперацияси йўналишидаги ало-қалар ҳам жадал сурьатларда ривожланмоқ-да. Мунтазам равишда “Made in Uzbekistan” ва “Made in Pakistan” саноат маҳсулотлари, “National Food Fest” озиқ-овқат кўргазмалари ўтказиб келинмоқда, бизнес делегациялар-нинг ўзаро таширфлари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистонлик мутахассислар покистон-лик ҳамкорлар билан бирга Марказий Осиё ва Покистон ўртасида муқобил логистика йўна-лишларини ривожлантириш, хусусан, Ўзе-бекистон — Афғонистон — Покистон ўртасида трансaфгон темир йўлини қуриш ҳамда икки давлат худудида логистика марказларини яра-тиш бўйича ишларни давом эттиряпти.

Ўзбекистон стратегик жойлашуви, ривож-ланган транспорт инфратузилмаси ва қўшни давлатлар билан мавжуд эркин савдо шарт-номалари туфайли Покистон бизнеси учун 80 миллион аҳолига эга Марказий Осиё бозорига киришда муҳим дарвоза вазифасини ўтатиш мумкин. Ўз навбатида, Покистон ўзбек биз-несининг Жанубий Осиё мамлакатлари бозорла-рида иштирокини кенгайтиришда муҳим кўп-рик бўлиб хизмат қилади.

— **Ўзбекистоннинг Покистон билан сайёҳлик йўналишидаги ҳамкорлиги ҳо-латига қандай баҳо берасиз, умуман олганда, покистонликларнинг Ўзбекистоннинг бой ме-росига ёндашуви қандай?**

— Покистон билан ҳамкорликда турли соҳалар қатори туризмга ҳам алоҳида эъти-бор қаратамиз. Чунки Ўзбекистон ва Покис-тоннинг туризм соҳасидаги тажрибаси жуда жозибали ва фойдали. Ўзбекистон покистон-ликлар учун жозибали сайёҳлик йўналишига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Покистон сайёҳлар учун соддалаштирилган виза тартибининг жорий эт-ганини қайд этиш мумкин. Биз икки мамлакат ўртасида сайёҳлар алмашинуви ошиши, тур-операторлар, меҳмонхона эгалари, умуман, мазкур соҳада ишлайдиган ишбилармонлар ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон ҳам, Покистон ҳам туризмини ривожлантириш, сайёҳларни жалб этишда юқори салоҳият ва имкониятга эга. Ўз даврида ислом цивилизацияси бешикларидан бўлган Ўзбекистон замини қадимий тарихий обидла-ри ва бой мероси билан покистонликлар учун муҳим зиёрат туризми йўналишига айланган. Ўзбекистон зиёрат туризми соҳасидаги алоқа-ларни ривожлантириш нуктаи назардан ҳам жозибадордир. Покистонликлар Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа буюқ мутафак-кирларнинг меросига ҳурмат билан ёндашади.

Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз ва Тошкент каби қадимий шаҳарларнинг ноёб тарихий ёдгориликлари билан бир қаторда юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам қўп-лаб зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб, покистонлик сайёҳлар учун қизиқарли бўлиши мумкин. Шу нуктаи назардан, икки давлат ўртасидаги транспорт алоқаси масалалари алоҳида эъти-борга лойиқ.

Покистон Бош вазирининг Ўзбекистонга таширфи чоғида эришилган келишувларга му-вофиқ, Тошкент ва Исломободни тўғридан тўғ-ри боғловчи авиақатновлар очилди. “Uzbekistan Airways” миллий авиакомпанияси томонидан Тошкент — Исломобод ва Тошкент — Лаҳор ўртасида ҳафтагиса тўртта авиақатнов амалга ошириляпти. Бугунги кунга қадар ушбу авиа-қатновлар хизматидан 30 мингдан ортиқ йў-ловчи фойдаланди. 2025 йилда Покистоннинг салкам 17 минг фуқароси Ўзбекистонга сайёҳ-лик мақсадида борди.

Соҳа масъуллари сайёҳлик маҳсулотлари ва хизматларини ўзаро оммалаштириш, бу борада қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини жуда катта эканини таъ-кидланмоқда. Бир сўз билан айтганда, мам-лакатларимиз ўртасида туризм алоқаларини ривожлантириш кун тартибимиздаги муҳим масалалардан бирига айланган.

— **Таълим, маданий-маърифий жаба-ларда Ўзбекистон — Покистон муносаба-тлари ҳақидаги фикрларингиз ҳам биз учун муҳим.**

— Таълим икки томонлама ҳамкорлиқнинг яна бир муҳим соҳаси бўлиб қолмоқда. Икки мамлакат таълим ва илмий муассасалари ўр-тасида самарали шериклик муносабатлари ўр-натилган. Бугунги кунда икки мингдан ортиқ покистонлик Ўзбекистон олий таълим муасса-саларида тиббий, фармацевтика, туризм, АКТ ва бошқа йўналишларда таълим олмақда.

Икки мамлакат университетлари ўртасида алмашинув дастурларини йўлга қўйиш, таж-риба алмашини, грантлар ажратиш, профес-сор-ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича турли семинар ва тренинглар ташкил этиш ишлари давом этмоқда.

Покистонда чарм саноати анча ривожлан-ган. Ушбу жаҳада малакали мутахассислар тайёрлашдиган Гужранвала чарм технология-лари институтини Ўзбекистон фуқаролари учун грант ажратишини маълум қилган. Гужран-валадаги “GIFT University”да “Ўзбекистон — Покистон ўсиш дарчаси” очилди.

Тошкент давлат шарқшунослик универ-ситетига қарийб 75 йилдан буён урду тили, адабиёти ва Покистон тарихи бўйича курслар ўқитилиб келинаётгани икки давлат ўртасида-ги маданий алоқаларни мустаҳкамлашда му-ҳим аҳамият касб этапти.

Покистонда ҳам ўзбек тили ва тарихини ўрганишга бўлган талаб кескин ошди, ушбу жаҳада лойиҳалар жадал амалга ошириляп-ти. Қўшма маданий тадбирлар, фестиваллар, кўргазма ва форумлар ўтказиш мунтазамлик касб этган.

2021 йил февраль ойида Панжоб универ-ситетига ўзбек халқининг буюқ аждои ҳаёти ва меросини ўрганиш мақсадида Бобур ме-роси маркази очилди. Пешовар университетига эса Алишер Навоий номидаги марказ ташкил этилган. Марказ Покистонда ўзбек мадания-тини янада оммалаштиришга яқиндан кўмак-лашяпти. Ўзбекистон ва Покистон олимлари Бобурийлар меросини биргаликда ўрганишга катта қизиқиш билдирмоқда. Бу борада биз Покистон муслим институтини билан бирга-ликда маданий марказ ташкил этиш ишлари устиди ишлашяпти. Яна бир янгилик — яқин кунларда икки мамлакат киноиҳодкорлари ҳамкорлигида тайёрланаётган, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётига бағишланган фильм жамоатчилик эътиборига тақдим этилади.

2025 йилда Исломободда Ўзбекистон Президенти фаолиятига бағишланган учта муҳим китоб — Муҳаммад Аббос Хоннинг “Uzbekistan: The Third Renaissance — The Concept of the Future”, Меҳмуд ул-Ҳасан Хон-нинг “Shavkat Mirziyoyev: Great Leader of Reforms and Regional Integration” ва Қўдратил-ла Рафиков муаллифлигидаги “Янги Ўзбекис-тон: Шавкат Мирзиёев йўли” асарлари кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Бу Покистон илмий-академик доира вакиллари

Халқпарвар ижтимоий давлат қуриш, инсон қадрини улуғлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадига айланган. Дунёда геосиёсий ва иқтисодий кескинлик авж олиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда халқимиз билан ҳамжиҳатликда иш олиб борилаётгани турли синовларни мардона енгиб ўтишгагина эмас, балки салмоқли натижаларга ҳам муҳим замин яратмоқда.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича минтақавий тажриба маркази



Буни куйидаги рақамлар ҳам яққол ифода этади. Яъни ўтган йил тарихимизда биринчи марта ялли ички маҳсулотимиз ҳажми 145 миллиард доллардан ошди. 2025 йилда иқтисодийтимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар эса 43,1 миллиард долларга етди.

Юртимизда охириги йилларда камбағаллик даражасини 35 фоиздан 5,8 фоизгача туширишга эришилди. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ва давлат дастури доирасидаги кенг қамровли чора-тадбирлар натижасида ўтган йили 5 миллион аҳолиимиз даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Бу йўналишда ишлар бошланганда аҳолининг учдан бир қисми камбағаллик чегарасида яшаганини эътиборга олсак, бугунги кунга келиб, бу жабҳада эришилган натижаларнинг салмоғи қанчалик юқори экани намоён бўлади.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида бундай муҳим ютуқларни янада кўпайтириш, қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, олдимизга қўйилган эзгу мақсад — ҳар томонлама ривожланган янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ислохотлар қатъий давом эттирилишини алоҳида



Давлат ва жамият ўртасида очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва ижтимоий шериклини ривожлантириш орқали давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш юртимиздаги ислохотларнинг муҳим йўналишига айланди. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари нафақат ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, балки давлат сиёсатида ҳам муҳим ҳамкор сифатида майдонга чиқмоқда.

Шу боис, сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Янги тахрирдаги Конституциямизга фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилиб, жумладан, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши мустақлаб қўйилди.

Соҳага оид қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинди. Хусусан, 2025 йил 21 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун билан фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига дахлдор 10 та қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, Президентимизнинг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилишига хизмат қилмоқда.


Жорий йилга мўлжалланган давлат дастурида бу жабҳадаги ишларни янада кенгайтириш ва янги босқичга кўтариш билан боғлиқ устувор вазифалар белгиланмоқда. Мазкур стратегик ҳужжат доирасида назарда тутилган чора-тадбирлар фуқаролик жамиятини фақат қузатувчи эмас, балки давлат бошқарувида масъулиятли ҳамкор, ижтимоий хизмат-

таъсис этилган “Халқаро демократия куни” муносабати билан Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё фуқаролик жамияти форумини ташкил этиш кўзда тутилган. Форум доирасида ижтимоий ва экологик муаммолар, давлат бошқарувида фуқаролик жамияти иштироки ҳамда очиқ бошқарув масалалари муҳокама қилиниши минтақада ушбу жабҳада ҳамкорлиқнинг янги босқичини бошлаб беради.

ННТларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг давлат ижтимоий буюртмаси ва аутсорсинг механизмлари орқали кенгайтириш ҳам муҳим вазифа. Бу уларнинг тизимли асосда ижтимоий хизматлар кўрсатиши таъминлайди ҳамда институционал барқарорлигини мустақамлайди. Шу билан бирга, аутсорсингга ўтказиладиган давлат функциялари рўйхатини шакллантириш давлат бошқарувида самарадорлиқни оширишга хизмат қилади. Айрим ижтимоий хизматлар, жамоатчилик билан ишлаш, мониторинг ва таҳлил каби вазифаларни ННТларга босқичма-босқич ўтказиш давлат органларининг ортқица юкларини камайтиради.

Бугунги кунда юртимизнинг турли ҳудудларида қўлаб нодавлат ташкилотлар фаолият юритмоқда. Ислохотларда уларнинг иштирокини янада кучайтириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳузурида фуқаролик жамияти институтларининг доимий вакили (маслаҳатчи) институтини жорий

Самара нафақат рақамларда, балки одамлар турмушида ҳам акс этмоқда



Фарид НАЗАРОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бўлим бошлиғи

Мамлакатимизда ижтимоий хизмат ва ёрдамларни тақдим этиш, аҳолини қўллаб-қувватлаш тизими босқичма-босқич янгиланмоқда. Бу жараёнда фақат моддий ёрдам билан чекланиб қолмасдан, аҳолининг турли қатламлари учун комплекс хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ижтимоий иш амалиётида муаммони қайд этиш эмас, балки инсон ва оиланинг мустақил ҳаёт кечирishi салоҳиятини тиклаш асосий мақсадга айланди.

Ўтган йил ушбу йўналишда 7,4 миллиондан ортиқ мурожаат қабул қилиниб, сурдо-таржимон хизмати орқали 5,3 минг фуқарога хизмат кўрсатилди. Шунингдек, жойларда ўтказилган 262 та کوچинг машғулоти натижасида 19,2 минг аҳоли ижтимоий хизматлар ҳақида қатъий маълумот олиш имкониятига эга бўлди.

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши бу жабҳадаги ишлар ривожидан муҳим истиқболларни очмоқда. Зеро, маҳалла халқимизга энг яқин бўлган сифатида аҳоли билан мулоқотни кучайтириш, қўмак ва ёрдамга муҳтожларни қўллаб-қувватлашда энг самарали институтдир.

Шу нуқтаи назардан, жорий йилги давлат дастурининг устувор йўналишларидан бири ижтимоий ҳимоя соҳасига бағишланган эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматларни ривожлантириш ҳамда маҳалла даражасида манзилли ёрдам механизмларини кучайтиришда муҳим омил бўлади. Мазкур мақсадларга эришишда жамоатчилик иштирокининг ўрни беқиёсдир.

Табиат софлиги – барқарорлик омили



Зикрилла АЛИМОВ,
Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудирини, техника фанлари доктори

Мамлакатимизда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга давлат сиёсатининг энг муҳим устувор вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда бу жабҳада амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар барқарор ривожланишга эришишда ўз самарасини берапти.

Ўтган йили ер, сув, ҳаво мусаффолигини таъминлаш, табиий мувозанатини асраш борасида муайян натижаларга эришилди. Жумладан, атмосфера, ер ва сув ресурслари ҳамда атроф-муҳитни мониторинг қилиш ишлари натижасида 73 та саноят корхонасидаги чанг-газ тозалаш ускуналари модернизация қилинди. Янги очилаётган қатор саноят корхоналарида чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилиши ҳисобига атмосфера ҳавосига 1,5 минг тоннадан ортиқ ифлослантирувчи моддалар ташланишининг олди олинди.

Ҳавони ифлослантиришда улуши нисбатан юқори бўлган автотранспорт воситаларининг ҳолати ҳам доимий қузатувга олинган. Шу мақсадда икки босқичда “Тоза ҳаво” ойлиги ўтказилляпти. Ўтган йили бу йўналишда етти юз мингдан кўпроқ автотранспорт воситаси экологик назоратдан ўтказилиб, аниқланган носозликлар бартараф этилди. Бу тадбир ҳам ҳавога ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини камайтиришда ўз самарасини бермоқда.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 137 миллиондан ортиқ кўчат экилиши, ўрмон майдонларининг 4,7 миллион гектарга қозғалиши, Оролбўйида 145 минг гектардан зиёд майдонда ўрмон барпо этилиши қўлаштириш жараёнини секинлаштириб, иқлимни мувожиз ва биохилма-хилликни сақлашга хизмат қилмоқда. Бу ишлар нафақат табиатни тиклаш, балки аҳолининг соғлиғи, тоза ҳаво ва сув билан таъминланишини яхшилашга ҳам қаратилган.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида атроф-муҳитни муҳофазага ва барқарор ривожланишга эришишга йўналтирилган чора-тадбирларга ҳам алоҳида тўхталиб, бу жабҳадаги ишлар изчил давом эттирилиши ва янада янги босқичга кўтарилишини таъкидлади. Жорий йилги давлат дастурида бу борада муҳим вазифалар ўз аксини топмоқда. Жумладан, маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш борасидаги устувор вазифаларни ҳаётга таъбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилган ислохотлар дастуруларидан бири айнан экология ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ ишларни самарали ташкил этишга йўналтирилган янги муддао бўлди.

Бу жараёнда, аввало, ҳаво софлигини таъминлаш мақсадида экологик тоза автомобиллардан фойдаланиш рағбатлантирилади. Шу билан бирга, атмосферага зарарли моддалар чиқарилишининг олдини олиш мақсадида саноят корхоналари модернизация қилинади.



Шу мақсадда йирик корхоналарга фильтр, тозалаш иншооти ва ҳавога чиқариладиган зарарли моддаларни мониторинг қилиш станциясини ўрнатиш учун кредит линияларини очиш кўзда тутилган.

Тошкент шаҳри атрофида қийлашган иссиқхоналарни фильтр билан таъминлаш мақсадида бундай воситаларни ўрнатиш харажатларининг 50 фоизгача қисmini қўлаб бериш амалиёти жорий этилади. Қолаверса, бу соҳада тадбиркорларни кенг қўлаб-қувватлаш ва фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида агрокластерлар ташкил қилинади. Унинг таркибига ўтган иссиқхоналарга субсидия тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилди. Агрокластерларда иссиқхоналар марказлашган қозонхоналар орқали иситилади.

Давлат дастурида белгиланган яна бир муҳим вазифа чанг-тўзонлар тез-тез содир бўладиган ҳудудларда аҳоли салооматлигини асраш учун зарур тадбирларни амалга оширишдир. Шу мақсадда шаҳарларда табиий шамол айланишини кучайтиришга

қаратилган тадқиқотлар ўтказилиб, аҳоли учун экологик қулай яшаш шароитини яратиш чоралари қўрилади. Бундан ташқари, сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича кенг қамровли ишлар кўзда тутилган.

Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети (Green University) ҳузурида атроф-муҳит ифлосланишини ўрганиш учун махсус лаборатория ташкил қилинади. Ҳаво, сув ва тупроқ ифлосланишини қуқур ўрганиш асосида илмий ечимлар ишлаб чиқиш орқали олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлиғи оширилади.

Бу ишларнинг муҳимлиги шундаки, улар нафақат ҳозирги, балки келажак авлодлар учун ҳам яшашга яроқли муҳитни сақлаб қолади. Экологик тоза технологиялар жорий этилиши, камбағал оилаларнинг бандлигини таъминлаш, халқаро ҳамкорлик орқали янги тажрибаларни ўзлаштириш мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан янада ривожлантиради.

Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш мақсадида белгиланаётган чора-тадбирларнинг қўлами кенг, қамрови катта. Бу жараёнда ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш, маҳаллаларга янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш, соҳа ва тармоқларни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш, касбларни ривожлантириш, янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш, экологик мувозанатни яхшилаш ва бошқа йўналишларда устувор мақсад ва вазифалар белгиланган. Бу ҳайрли ишларнинг ўз муддатида бажарилиши ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини юзага чиқариш учун муносиб шaroит яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали эл фаровонлигини ошириш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Баҳор ХИДИРОВА тайёрлади.



Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари жаҳон миқёсида ишлаб чиқариш ва транспорт-логистика занжирлари узилган, ҳомашё ва молиявий ресурслар нархи ошган шароитда ҳам юртимиз иқтисодиёти ишончли ва барқарор ўсишда давом этаётганини алоҳида қайд этди. Ўзбекистон тарихида биринчи бор ялпи ички маҳсулот ҳажми 145 миллиард доллардан ошгани, олтин-валюта захирамиз илк бор 60 миллиард долларга етгани, қолаверса, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга, камбағаллик кўрсаткичи йил бошидаги 8,9 фоиздан 5,8 фоизга тушгани ҳар бир соҳадаги илчил ислохотларнинг амалдаги самарасидир.

Иқтисодийнинг ривожлантириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам натижаларини кўрсатмоқда. Жумладан, иқтисодиётимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 43,1 миллиард долларга етиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31,9 фоизни ташкил этгани тармоқлардаги юқсалишлар янада юқори суръатлар билан давом этишига хизмат қилаётганини аниқлатмоқда.

Ҳар бир жабҳадаги барқарор ўсиш ва ривожланиш давлатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини тобора мустаҳкамламоқда. Юқсак натижалар дунё ҳамжамияти ва нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи янада юқалиб бораётганидан далолатдир. Хусусан, Мурожаатномада қайд этилганидек, Жаҳон банки эълон қилиб борадиган давлатларнинг технологик етуклик индексида Ўзбекистон 71 поғона юқорилаб, дунёнинг ТОП-10 та мамлакат қаторидан жой олди.

Мурожаатнома тараққиётнинг бугунги ҳолати ва келгуси истиқболларини белгилаб берувчи муҳим сиёсий ҳужжат, стратегик "йўл харитаси" сифатида юртимиз ривожининг янги босқичларини ўзида акс эттирди. Ушбу маърузада жорий йилда амалга ошириладиган энг муҳим 6 та устувор йўналиш ва унинг доирасида қатор мақсад-вазифалар илгари сурилди.

Жумладан, биринчи устувор йўналишда маҳалла инфратузилмасини янада яхшилашга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Дарҳақиқат, маҳалла инфратузилмасини тубдан яхшилаш орқали юртимизни янада обод ва кўркам қилиш, ҳудудларни тубдан ривожлантириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари илк бор маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм вилоятларнинг ўзига берилишини, ушбу маблағ маҳаллада иш ўринлари яратадиган, аҳолини даромадли қиладиган лойиҳаларга йўналтирилишини билдирди. Бунда маҳалла раисчи, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири лойиҳага тақдим қилиб, зарур маблағни олиш имконига эга бўлади. Бундан ташқари, шароити оғир 330 та маҳалла танлаб олиниб, тадбиркорлик инфратузилмаси ҳам йўлга қўйилди.

Бу борадаги ишларда ҳаётий лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни самарали йўлга қўйиш, молиявий асос ва ҳақ-қитобларни аниқлаш, маблағларни мақсадли йўналтириш банклар ва уларнинг ҳодимларидан катта масъулият талаб қилади. Эътироф этиш керакки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда молия тизимини модернизациялаш, банк хизматларини рақамлаштириш ва финтех соҳани ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Муносабат

ҲАР БИР ТАШАББУС ФАРОВОН ҲАЁТ ПОЙДЕВОРИ



Искандар ТУРСУОВ,
"Octobank" АЖ бошқаруви
раиси, иқтисодиёт фанлари
бўйича фалсафа доктори

Банкларнинг корпоратив бошқарувини яхшилаш ва рақобат муҳитини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Онлайн банк хизматлари, мобил иловалар, масофавий ҳисоб очиб ва электрон тўловлар аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай имкониятлар яратмоқда. Шу билан бирга, банк соҳасининг асосий вазифаларидан бири бўлган кичик бизнес ва тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, кредитлаш жараёнларини

соддалаштириш ва аҳолининг банкка ишончини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар банк хизматларининг энг чекка ҳудуд ва маҳаллалар ичига кириб боришига хизмат қилмоқда, аҳоли учун янги имкониятларни тақдим этмоқда.

Мурожаатномада иккинчи устувор йўналишда илгари сурилган иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш борасидаги муҳим вазифалар ижросида ҳам банк хизматлари ҳамда тизим вакилларининг ўрни ва иштироки муҳим.

Қулай бизнес муҳитини яратиш борасидаги ислохотлар туфайли Ўзбекистон инвесторлар учун энг жозибадор давлатлардан бирига айланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари бу борада тўхталар экан, тўққиз йилда барча иқтисодиёт тармоқларига 130 миллиард долларлик хорижий инвестиция олиб келинган, 2025 йилнинг ўзида чет эллик ҳамкорлар билан яна 140 миллиард долларлик янги инвестициявий келишувларга эришилганини алоҳида қайд этди. 2026 йилда эса 50 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниши айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, жалб этилаётган ҳар бир инвестиция маблағи иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизни яхшилашга, ҳудудлар қиёфасини янгилаш ва аҳолининг фаровон ҳаёти учун шарт-шароит яратишга, шунингдек, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, энергия, сув, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишда самарадорликни оширишга хизмат қилади.

“ Келгуси беш йилда sanoatda қўшилган қийматни ҳозирги 36,5 миллиард доллардан камида 60 миллиард долларга етказиш, юқори ва ўртадан юқори технологияли тармоқлардаги маҳсулотлар ҳажмини 2,5 баробар ошириш марраси белгилаб берилди. Бунинг учун 2026 йилда 52 миллиард долларлик 782 та янги sanoat ва инфратузилма лойиҳасига старт берилиши таъкидланди.



Мурожаатномада янги технологик босқичга ўтиш ва қўшилган қиймат занжирини кенгайтириш бўйича sanoatни ривожлантириш дастури бошланиши маълум қилинди. Бунда келгуси беш йилда sanoatда қўшилган қийматни ҳозирги 36,5 миллиард доллардан камида 60 миллиард долларга етказиш, юқори ва ўртадан юқори технологияли тармоқлардаги маҳсулотлар ҳажмини 2,5 баробар ошириш марраси белгилаб

берилди. Бунинг учун 2026 йилда 52 миллиард долларлик 782 та янги sanoat ва инфратузилма лойиҳасига старт берилиши таъкидланди. Шунингдек, 14 миллиард долларлик 228 та янги йирик қувват ишга туширилиши айтилди.

Умуман, иккинчи устувор йўналишда илгари сурилган ҳар бир гоё ва ташаббус иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, бугунги фаровон турмушимизни янада яхшилашга замин бўлади. Ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигидега эса, албатта, банк ва молия ташкилотлари ҳам ўз йўналишларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этиши, амалий ташаббусларга қўмақдош, елкадош бўлмоғи лозим.

Президентимиз ҳар бир чиқишида ривожланишга тўсқин бўладиган иллат —

АҲОЛИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ

Кун мавзуси

Мамлакатимиз тарихида илк бор ўтказилаётган аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири қутилигандан ҳам кўра кўпроқ қизиқishi уйғотиб, юқори фаолликни намоён этмоқда. Юртдошларимиз 15-31 январь кунлари давомида census.stat.uz махсус ахборот тизимини орқали онлайн рўйхатдан ўтди. Шу йилнинг 4 февралидан бошлаб эса рўйхатга олиш тадбирининг иккинчи босқичига старт берилди. Эндиликда 28 февралга қадар "маҳалла еттилиги" вакиллари уйма-уй юриб, рўйхатдан ўтмаган ёки маълумотларида камчиликлари бўлган фуқароларни рўйхатга олади ҳамда планшетлар орқали махсус платформага киритади.

Рўйхатга олиш тадбири қанчалик муҳим экани, бу орқали мамлакатнинг демографик, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини ҳар томонлама ақс эттирувчи ишончли статистик маълумотлар базаси шакллантирилаётгани ва ҳеч бир фуқаро ундан четда қолмаслигини юртдошларимиз яхши англамоқда. Бу онлайн рўйхатга олиш бошланган 15 январь санасининг илк дақиқаларидаёқ юқори фаоллик кузатилгани ва бир вақтда минглаб одамлар сўровномани тўлдирishiга киришганида ҳам яққол намоён бўлди. Мутахассислар бу ҳолатни кўпчилик кузатиладиган "биринчи кун ёки ҳафта эффекти" деб баҳолаган. Аммо фаоллик кейинчалик ҳам сусаймади ва то онлайн рўйхатга олишнинг сўнгги дақиқаларигача сақланиб турди.

Натижада атиги 17 кун ичида мамлакатимиздаги жами хонадонларнинг 82,3 фоизидега истиқомат қилувчи 30 миллиондан ортиқ аҳоли саволномани онлайн тўлдирди, рўйхатдан ўтгани эълон қилинди. Бу МДХ давлатлари орасида ўзига ҳок рекорд натижа экани айтилмоқда.

— Юртимизда қисқа вақтда юқори натижа қайд этилди. Бу юртдошларимизнинг рақамли саводхонлиги тобора ортиб бораётгани, рақамли хизматларга ишонч ва амалий қўнимчалар шаклланигани яққол кўрсатади. Қолаверса, онлайн рўйхатга олишнинг қулайлиги ва тезкорлиги, шунингдек, аҳолининг умуммиллий тадбирга бўлган юқори қизиқishiи сабабли дастлабки босқичдаёқ катта камровга эришилди, — дейди Миллий статистика қўмитаси

Ахборот, коммуникациялар ва медиа марказ раҳбари Усмон Абдураулов.

Рўйхатга олувчилар онлайн кузатувда

Навбат рўйхатга олишнинг иккинчи босқичига етди. Февралнинг 1-3-кунлари онлайн рўйхатдан ўтмаганлар уй манзиллари рўйхати тузилиб, статистика органлари ва маълумотларни уйма-уй юриб ҳисобга киритувчи уластқаларга етказилгач, 4 февралдан "маҳалла еттилиги" вакиллари хонадонларга чиққан ҳолда рўйхатни шакллантириш ёки ноаниқ маълумотларни аниқлаштиришга киришди.

Бу қайта рўйхатга олиш эмас, балки тадбирнинг амалий давомидир. Унда, асосан, онлайн рўйхатдан ўтмаган фуқаролар қамраб олинади. Айрим ҳолатларда биринчи босқичда онлайн рўйхатдан ўтиб, сертификат олган фуқаролар хонадонига ҳам регистраторлар таширф буюриши мумкин. Бу одатда онлайн саволномада маълумотлар ҳатоллик ёки камчиликлар билан қиритилганларга боғлиқ бўлади. Ушбу ҳолат халқаро ташкилотлар тасвияларида ҳам назарда тутилган. Яъни кўп ҳолларда асосий рўйхатга олиш тадбиридан сўнг маълумотларнинг аниқлиги ва сифатини баҳолаш мақсадида қайта текширув ўтказилади. Бунда тасодифий танлаб олинган хонадонларга мутахассислар тақдор боради. Қайта текширувлар одатда жами рўйхатдан



ўтганларнинг 10-15 фоизини қамраб олади ва бу халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган тажриба ҳисобланади.

Мутахассисларнинг тушунтиришича, рўйхатга олиш маълумотларини тўплаш жараёнилари тўлиқ рақамлаштирилган бўлиб, ҳар бир жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами асосида ишланади ҳамда тақдорий қиритилган маълумотларни автоматик аниқлаш имконини беради. Хато ва камчиликлар билан тўлдирилган саволномалар ҳам автоматик тарзда ажратиб олинади. Шу боис, рўйхатга олишнинг иккинчи босқичида онлайн жараёнда қатнашмаганлар билан бирга саволномани ҳатолликлар билан тўлдирган фуқароларнинг маълумотлари ҳам ахборот тизимига қиритилди.

Иккинчи босқич бевосита аҳоли билан ишлашни назарда тутди. Шу боис, жараёнга анча олдиндан тайёргарлик қўрилган. Рўйхатга олувчилар малакаси, объектарни аниқлаштириш, маълумотлар аниқлигини таъминлаш каби ҳар бир жиҳат жиҳдий назоратда.

— Тайёргарлик доирасида 2025 йил декабрь ойида республика бўйича 7,6 миллиондан ортиқ турар жой объектининг GPS координатлари аниқлаштирилди, — дейди Миллий статистика қўмитаси масъул ҳодими Умиджон Сафидуллаев. — Бу рўйхатга олиш жараёнини реал вақт режимида кузатиш, рўйхатга олувчиларнинг аниқ манзилида иш олиб бораётганини текшириш ҳамда маълумотлар сифатини назорат қилиш имконини беради. Бу босқичда рўйхатга олиш "маҳалла еттилиги" вакиллари томонидан амалга оширилади. Жараёнда тизимдаги 55 мингдан ортиқ ҳодим уч босқичли тренинглар орқали тайёрланди. Республика бўйича мавжуд маҳаллаларда маҳалла кесимида аҳоли сон, уй хўжаликлари ва рўйхатга олувчи ҳодимлар сонни кўрсатилган ташкилий режалар таъкидланган. Бу режалар рўйхатга олувчиларнинг уқламасини адолатли белгилаш, қамровини тўлиқ таъминлаш ва назорат механизмини кучайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Аини пайтда рўйхатга олувчилар ўз маҳалласидаги хонадонларга кириб, маълумотларни

планшет қурилмалари орқали электрон тизимга киритмоқда. Жараёнинг шаффоф ва тартибли ўтиши учун рўйхатга олувчиларнинг ҳаракатлари GPS орқали кузатиб борилади. Агар маълумотлар хато ёки камчиликлар билан қиритилса, ёхуд регистратор белгиланган қоидаларга амал қилмасдан, хонадонга бормасдан саволномани тўлдирса, маълумотлар тизим томонидан қабул қилинмайди ва регистратор планшетига автоматик оғоҳлантириш юборилади. Бонси, ҳар бир маълумот тўғри ва тўлиқ йингилиши, ишончли ҳамда сифатли шакллантирилиши зарур.

Рўйхатга олиш фақат "маҳалла еттилиги" аъзолари томонидан ўтказилмоқда. Жараёнда фуқаролардан ҳеч қандай СМС код ёки пул маблағлари сўралмайди. Шахсий маълумотлар телефон ёки ижтимоий тармоқлар орқали ҳам сўралмайди. Ҳаммаси ҳодим томонидан сўровнома асосида планшет орқали тизимга қиритилади. Юртдошларимиз хавфсизлик нуқтани назардан шу жиҳатларга ҳушёр ва эътиборли бўлиши керак. Фуқаро ўз хонадонига келган регистраторни танимаса ёки унга нисбатан шубҳа туғилса, ундан хизмат бейيجини кўрсатишни талаб қилиши керак. Ҳар бир ҳодимга берилган бейжикдаги QR-код орқали регистратор ҳақидаги маълумотларни текшириш мумкин, ушбу маълумотлар ягона базага қиритилган. Шунингдек, 1851 қисқа рақами орқали фаолият юритаётган қолл-марказга қўнғироқ қилиб, регистратор ҳақида қўшимча маълумот олиш имконияти ҳам мавжуд.

Барча маълумотлар хавфсиз сақланмоқда

Ҳақиқатан, шахсий маълумотлар хавфсизлиги бугунги кунда энг долзарб масалалардан бирига айланган. Одамлар уйига келган ҳар қандай бегона кишидан шубҳаланиши табиий, айниқса, шахсий маълумотларини беришига тўғри келса. Бу кундалик ҳаётимизда киберҳужумлар тури ва сон тобора ортиб бораётгани билан ҳам боғлиқ. Шунинг учунми, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирлари бошланган илк кунлардан оқиб юртдошларимизни шахсий маълумотлар дахлсизлиги билан боғлиқ саволлар қизиктирди. Жиҳдий киберҳужумлар ҳақида кейинги вақтларда тарқалган хабарлар эса аҳоли вақотири-ни янада оширди.

коррупциянинг олдини олиш, бунга қарши жиҳдий курашиш зарурлигига алоҳида тўхталиб ўтади. Бу галги Мурожаатномада ҳам олтинчи устувор йўналиш сифатида замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларга тўхталар экан, "Коррупцияга йўл қўйиш — ислохотларимизга хиёнатдир. Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда "фавқулодда ҳолат" эълон қиламиз", деди.

Шунингдек, барча идораларда комплаенс ва коррупцияга қарши ички назоратга масъул ўринбосар лавозим жорий этилиши айтиб ўтилди. Ҳисоб палатасининг вакили фаолияти йўлга қўйилиб, тизимдаги нопок шахсларни аниқлаш, бюджет маблағлари талон-тарож бўлиши ва мансабни суистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича таъсирчан назорат ўрнатилиши таъкидланди.

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги тизимли ишлар натижасида кўпгина соҳа ва тармоқлардаги коррупциявий ҳолатлар барвақт аниқланиб, ўз вақтида олди олинishiга эришилмоқда. Ташкилот ва идораларда коррупцияга қарши ички назорат тизими қатъий тарзда йўлга қўйилиши ушбу жиҳатни иллатни бартараф этиш, халқнинг пули бўлган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишини таъминлайди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, коррупцияга йўл қўйиш ислохотларимизга хиёнат, халқимизга хиёнат, юртининг янада фаровон бўлишига тўсқиндир.

Айниқса, коррупцион ҳолатлар эҳтимоли юқори бўлган банк ва молия тизимида назоратни тўғри йўлга қўйиш, аввало, тизимга ҳалол, виждон пок ҳодимларни жалб қилиш, рақамлаштириш жараёнларини янада кенгайтириш зарур. Хусусан, финтех соҳани жадал суръатларда ривожлантириш, онлайн тўлов тизимлари, электрон ҳисоблар, QR-тўловлар ва маркетинг асосидаги молиявий хизматлардан янада кенг фойдаланиши йўлга қўйиш лозим. Айниқса, финтех компаниялар аънавий банк хизматларини тез, арзон ва қулай шаклда тақдим этиш орқали бозорда муҳим ўрин эгаллаб бораётган бир пайтда бу соҳани янада ривожлантириш керак. Бу, ўз навбатида, банк хизматларидан фойдаланмайдиган аҳоли қатламни молия тизимига кенг жалб этишга хизмат қилади.

Умуман, давлатимиз раҳбарининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги қачириқларига жавобан молиявий хизматларни тўлиқ рақамлаштириш ва инсон омилини камайтириш, финтех стартаплар учун қулай ҳуқуқлар ва регулятор муҳит яратиш, банклар ва финтех компаниялар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, киберхавфсизлик ва маълумотлар ҳимоясини кучайтириш, аҳолининг молиявий саводхонлигини янада ошириш зарур.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Мурожаатномасида илгари сурилган ҳар бир ташаббус янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ҳамда халқимиз ҳаётини янада юқсалиштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, Мурожаатнома мамлакатимизнинг бугунги ва келажакдаги белгилаб берувчи дастурий ҳужжат сифатида жамиятни янада жиқлаштиришга, ислохотлар самарадорлигини оширишга ва барқарор тараққиётга эришишга хизмат қилади. Унда кўзда тутилган ҳар бир мақсад ва вазифани илчил амалга оширишда эса ҳар биримизнинг зиммамизда масъулиятли вазифалар бисёр.

Мутасаддилар бу борада ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқлиги, фуқароларнинг рўйхатга олиш билан боғлиқ шахсий маълумотлари тўла ҳимояланганини таъкидлапти. Қолаверса, рўйхатга олиш жараёнида ҳеч бир фуқарога тегишли фотосурат ва паспорт расмлари олинмаган ҳамда маълумотлар базасига расм юкланмаган.



— 2026 йилнинг 15-31 январь кунлари онлайн шаклда ўтказилган аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишда тўплаган барча маълумотлар алоҳида серверда шифрланган ҳолда хавфсиз сақланмоқда, — дея изоҳлайди Миллий статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи Шохруҳ Одилов. — Маълумотлар миллий ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ қатъий муҳофиза остида ва ташқи манбалар орқали сиёз босқичи эҳтимоли мавжуд эмас. Энг бошидан хавфсизлик масаласига қатъий эътибор қаратилган ҳолда ахборот тизимининг барқарор ишлаши учун зарур сервер қувватлари ажратилиб, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича тегишли чоралар қўрилган. Юртимизнинг 38 миллиондан ортиқ аҳолисига тегишли маълумотлари жуда катта база бўлиб, ҳар бир фуқаронинг шахсий маълумотларини махфийлиги, хавфсизлиги ва дахлсизлиги қонун билан тўлиқ қафолатланади. Барча шахсий маълумотлар асосий базага шифрланган ҳолда тушади ва махфий сақланади. Улар фақат статистик мақсадларда қўлланилади, солиқ, ҳуқуқни муҳофиза қилувчи ёки бошқа назорат органларига тақдим этилмайди.

Яъни таъкидланган тарихий жараён — аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири юртимизга доир аниқ статистикани шакллантиришга хизмат қилади. Бу мамлакатнинг умумий харитасини шакллантирадиган жуда катта жараён бўлиб, истиқболдаги режаларини белгилаш, аҳолининг яшаш шартини янада яхшилаш, зарур шароитлар яратишга муҳим саналади.

Унда турли йўналишлар, жумладан, демографик кўрсаткичлар, аҳолининг ижтимоий ҳолати, уй-жой шароитлари, қишлоқ хўжалиги фаолияти, ҳудудий ривожланиш даражаси бўйича маълумотлар тўпалаётгани боиси шунда. Мазкур маълумотлар умумлаштирилган статистик қўрилишда таҳлил қилинади ва мактаб, богча, шифохона, йўл каби ижтимоий объектарни қаерда ва қандай қувватларда қуриш зарурлигини белгилаш, шунингдек, келгуси тараққиёт стратегияларини ишлаб чиқишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Рўйхатга олишнинг дастлабки натижалари жорий йилнинг 1 июлига қадар, якуний маълумотлар эса 2027 йил 1 июлгача эълон қилиниши режалаштирилган.

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



9 февраль — Алишер Навоий таваддуғ тоғзган кун




Туркий тил ва миллий фурур рамзи

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида барча соҳада амалга оширилган ислохотлар чуқур таҳлил қилиниб, истиқболдаги вазифалар белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари 2026 йилни юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилди. Шунингдек, ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги муҳим саналар кенг нишонланиши, жумладан, Мир Алишер Навоий бобомизнинг қутлуг таваллуд айёмига тайёргарликни тезда бошлаш зарурлигини ҳам алоҳида қайд этди.

Турғун ЗИЯЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
фахрий доктори, I даражали “Меҳнат
фаҳрийси” кўкрак нишони соҳиби

Ҳазрат Навоий халқимизнинг онгу тафаккури, баъдий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёнасидир. У мамлакатимизнинг гурури, шон-шарафини бутун дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткори. Қолаверса, адабий-баъдий ижоди, илмий мероси ва туркий адабий тил асосчиси ўлароқ, барча туркий эллари ўз қалами билан бирлаштира олган буюк сиймо.



Мутафаккир адиб ўз даврида туркий тилини шеърят осмонига кўтарди. “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини ёзиб, она тилимизнинг форс тилидан кам эмаслиги, аксинча, ундан устун жиҳатлари кўплигини илмий асосда исботлаб берди. Шу тариқа бобомиз туркий тилининг бор назокати ва сўз бойлигини бутун умри, ижодий фаолияти давомида намоён қилган.

Жаҳон миқёсидаги эътироф

Инсоннинг қувончига қайғуси, эзгулиги ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шахс дунё адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Бунинг тасдиғини турли мамлакатларда улуг бобомизга ҳурмат юзасидан ўрнатилган муҳташам ҳайкаллар ми-солида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Москва, Токио, Боку ва бошқа шаҳарларда Ҳазрат Алишер Навоий хотирасига эҳтиром рамзи сифатида ҳайкаллар қад ростлаган.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақлаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Мулоҳаза

Илму урфон — қонимизга сингган қадрият

Илм инсоннинг дунёқарашини кенгайтирувчи, унга мустақил фикрлаш, янгича қарор қабул қилиш ва замон талабларига мос яшаш имконини берувчи асосий мезондир. Илмли миллат — кучли давлатнинг гарови.

Бугунги глобаллашув ва ахборот асрида билимнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Замонавий техноло-гияларни ўзлаштириш, рақамли иқтисодиётда ишти-рок этиш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш учун, энг аввало, илмли авлод керак. Зеро, Ҳазрат Алишер Навоий бежиз:

Азар ҳикматга бўлса илтифотинг,
Ки, бўйсин Нух умрича ҳаётинг,
демаган.

Халқимиз наздида азалдан илмлилиқ инсоннинг энг гўзал ва эъзозли фазилатларидан бири сифатида қадрланиб келган. Чунки билим фақат ўқиш ва ёзиш малакаси эмас, балки маънавият, зеҳн ва жамият та-раққиётининг асосий мезони ҳисобланган. Шу боис, юртимиз тарихидаги улуг мутафаккирлар, сўз санъ-аткорлари ва маърифат пешволари савод масаласига алоҳида урғу берган. Жумладан, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Лисон ут-тайр” асарлари-да тил, маъно ва маърифатнинг чуқур ифодаси орқали илм-маърифатнинг инсон камолотидаги беқиёс аҳа-мияти ёритилган. Мунис Хоразмий асарларида ҳам ёш авлодга савод ўргатишнинг аҳамияти, унинг замон

роқ, хусусий сектор билан ҳамкорликда боғчалардаги ўринлар сони икки ярим миллионга, қамров даражаси 78 фоизга етказилди. Айни вақтда мамлакатимизда 7 мингта давлат боғчаси ва 32 мингта яқин хусусий боғча фаолият кўрсатмоқда.

Ҳақиқатан, бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъмин-лашга қаратилган мустақкам закир яратилди. Уттан давр мобайнида мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида ягона давлат сиёсати ишлаб чиқилди ва тизим тўлиқ трансформация қилинди. Бола боғчадан мактабни битиришига қадар бўлган жараёнда миллий қадриятларимизга таянган тарбия, замонавий билим ва кўникмаларга асосланган таълим, ёшларнинг қизиқишлари ва иқтидорига қараб селекция қилиш бў-йича самарали тизим шаклланди. Бу эса йигит-қизлар-нинг болалигиданоқ мустақил фикрлаш ва таҳлил қи-лиш қобилиятини ривожлантириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, таълим соҳаси вакиллари қў-л-лаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериш ҳамда ижтимоий мақомини ошириш йўлида муҳим қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, малака, тил



ва тараққиёт учун зарурлиги теран маънода ифода этилган. У ўз даврининг педагог олимларидан бири сифатида болаларнинг хат-савод чиқариши ва илм ўр-ганишини осонлаштириш мақсадида “Саводи таълим” асарини яратган. Мазкур рисолада ўқиш ва ёзишни тез ҳамда самарали ўрганиши, чиройли хат ёзиш кўникма-ларини эгаллаш, шунингдек, ҳусниҳатга оид масала-ларга алоҳида эътибор қаратилган. Асарда тил, ёзув ва ҳусниҳатнинг жамият ҳаётидаги ўрни, айниқса, маъ-навий бойлиқни келажак авлодга етказишдаги аҳамя-ти чуқур ёритиб берилган.

Бу асарлар, умуман олганда, аждоқларимизнинг асрлар давомидаги қарашлари ва интилишларини намоён этади. Шундай бўлса-да, муайян вақт сиёсий қарашларнинг ноҳолислиги ҳамда миллий камситиш руҳидаги ёндашувлар асосида Туркистон ўлкаси аҳо-лиснинг саводхонлиги масаласида сохта ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган хулосалар берилган. Аслида, сўнг-ги пайтларда ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, 1913 йилда Туркистон ўлкасида 7665 та мактаб ва мадраса фаолият юритган. Бу рақамлар айрим ман-баларда қайд этилганидан фарқи ўлароқ, ўлкамиз аҳолисининг саводхонлиқ даражаси анча юқори бўл-ганини кўрсатади.

Халқаро тадқиқот платформалари маълумотига кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистонда саводхонлиқ дара-жаси 100 фоизни ташкил этмоқда. Ҳисоботда умумжа-хон саводхонлиқ даражасига эришишда Ўзбекистон ҳукумати ҳамда таълим соҳаси ходимларининг муҳим ҳиссаси алоҳида эътироф этилган.

Ислохотлар натижасида Ўзбекистонда мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасига ажратиладиган маб-лаг сезиларли оширилди. Бу ўзгаришлар самараси ўла-

билиш, янги баҳолаш тизими, фан олимпиадалари каби мезонлар асосида ўқитувчиларга 10 дан ортиқ устам жорий қилинди. Бундан самарали фойдаланган 60 минг ўқитувчи ҳозир 8-12 миллион сўм маош олапти. Боғча тарбиячилари ойлиги 65 фоиз оширилиб, мактаб ўқи-тувчилари маошига тенглаштирилди. Бу орқали мак-табгача таълим тизимида меҳнат қилаётган педагоглар-нинг нуфузи янада юксалиши кутилмоқда. Шунингдек,



мактаб директорлари, уларнинг ўринбосарлари ҳам-да боғча мудирларининг иш ҳақи сезиларли тарзда кўтарилди, 7-10 миллион сўмдан ошди.

Бундай чора-тадбирлар таълим сифати ва самара-дорлигини ошириш, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг нуфузини юксалтириш, ёш авлоднинг замонавий би-лим ва кўникмаларни эгаллашига замин яратмоқда. Таълим муассасаларининг инновацион ривожланиши, замонавий ўқув дастурлари ва педагогик ёндашувлар-ни жорий этиш учун зарур шарт-шароитлар шакллан-тирилмоқда. Бу ёндашув, биринчи навбатда, педагог кадрларнинг тажрибасини ошириш, таълим соҳаси-даги энг илгор методика ва инновацияларни ўзлашти-ришга хизмат қилади.

Илм илдизи бўлган саводхонлиқ тушунчаси муайян вақт мувозанатида жамият тараққиётининг ижтимоий, сиёсий, илмий, маданий ва руҳий жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда ўз маъно-моҳиятини кенгайтириб бораверади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда бу-гунги кунда ёшлар ва катталар ўртасида турли йўна-лишларда саводхонлиқни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, молиявий ва ҳуқуқий савод-хонлиқни ривожлантириш, замонавий ахборот техно-логияларидан унумли фойдаланиш, тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби маса-лалар жамият ҳаётида устувор аҳамият касб этмоқда. Саводхонлиқнинг бу янги қирралари, аввало, замон талаби ва ҳар бир фуқаронинг ривожланиш йўлида тўғри қарор қабул қилиш, имкониятларни англаш ва ҳаётда муваффақиятга эришиш гаровига айланимоқда.

Энг муҳими, ҳозирги глобал рақобат ва тезкор ўзгаришлар даврида саводхонлиқнинг замонавий йў-налишларини эгаллаш инсоннинг келажак йўлидаги энг асосий капитали бўлиб, жамият тараққиётининг стратегик омили сифатида намоён бўлмоқда. Шу жи-ҳатдан унинг моҳияти шахснинг танқидий ва креатив фикрлай олиши, тўғри қарор қабул қилиши, ахборотни саралаб, ундан самарали фойдаланиш қобилияти бил-лан белгиланади. Бундай компетенциялар ҳар бир фу-қарога шахсий ривожланиш, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этиш имконини яратиш билан бирга давлат ва жамият учун барқарор тарақ-қиёт, инновацион салоҳият ва глобал рақобатбардош-лиқни таъминлайди.

Саводхонлиқ масаласи янги даврда илмли ва маъ-рифатли авлодни вояга етказиш, миллатнинг интел-лектуал салоҳиятини юксалтириш ва миллий тарақ-қиёт стратегиясини амалга оширишда беқиёс аҳамият касб этади. Зотан, асрлар давомида юртимизда сайқал топиб келган илмлилиқ, маърифатлилик келгусида ҳам янги Ўзбекистоннинг изчил тараққиётида ва жа-хон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида муҳим стратегик омил сифатида намоён бўлиб қолаверади.

Шуҳрат НОРМУРОВОВ,
журналист

ГАЗЕТАДАГИ
МАТЕРИАЛЛАРНИ
ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН
ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА
ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР
QR-KODНИ
СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳиш: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 01:35 Топирилди — 02:25

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.
30829 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Одсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.